Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri • 2013-yil 12-fevral, seshanba № 18 (3211)

Федерация Кенгаши мажлиси

МАСЪУЛИЯТ ЯНАДА ОРТАДИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг VIII-Мажлиси бўлиб ўтди. Унда Обод турмуш йилида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси олдида турган вазифалар муҳокама этилиб, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш соҳасидаги ишларга муносиб ҳисса қўшиш юзасидан устувор вазифалар белгилаб олинди.

Мажлисда мутасадди вазирлик, идора ва ташкилотлар билан биргаликда аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларига оид қонун лойиҳалари бўйича тегишли таклифларни ишлаб чиқишда касаба уюшмаларининг фаол иштирокини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Касаба уюшмалари юридик маслаҳатхоналари ва «Ишонч телефонлари» фаолиятини кучайтириш орқали бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш кўламини янада кенгайтириш борасида амалга ошириладиган ишлар таъкидланди.

Янги иш ўринларини яратиш, айниқса, яратилаётган иш ўринлари ишончлилиги юзасидан жамоатчилик назорати йўналишидаги ишлар самарадорлигини ошириш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди. Хусусан, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида Обод турмуш йилида 35 минг нафар ўқувчига қарийб 800 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатиш, касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан ёш оилалар, хотин-қизлар ва ёшлар учун 200 дан ортиқ янги иш ўринлари яратиш кўзда тутилган.

Корхона, ташкилот ва муассасалардаги жамоа шартномалари сифатини ошириш ва уларнинг бажарилишини мунтазам муҳокама қилиб бориш, меҳнат жамоаларида ҳар бир ходимнинг белгиланган имтиёзлардан тўла фойдаланишини таъминлаш масаласига ҳам тўхтаб ўтилди. Шу мақсадда тармоқ касаба уюшмалари Марказий кенгашлари ва ҳудудий бирлашмалар олдида турган вазифалар белгилаб олинди. Маҳаллий ҳокимликлар, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг жойлардаги бўлинмалари билан ҳамкорликда коллеж битирувчиларини янги ташкил этилаётган, квоталаштирилган иш ўринларига жойлаштириш бўйича тегишли тадбирларни амалга ошириш юзасидан келишиб олинди.

Мажлисда нодавлат сектори корхоналарини касаба уюшмасига жалб этиш орқали уларда меҳнат қилаётган ходимлар ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ишларини янада кучайтириш зарурлиги қайд этилди. Шунингдек, мамлакатимизда туризмни ривожлантириш йўналишида олиб борилаётган ишларга муносиб ҳисса қўшиш, ички туризм билан бир қаторда тиббий туризмни кенгайтириш йўналишларига ҳам эътибор қаратилди. Шу мақсадда кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга молик оилалар, қариялар ва жисмоний имконияти чекланган инсонлар, ёшларнинг республикамиздаги тарихий шаҳарлар ҳамда истиқлол йилларида барпо этилган диққатга сазовор масканларга саёҳатларини уюштириш ишлари янада кучайтирилади. Дам олувчилар, хусусан, хорижликларни тизимдаги санаторийларга кенг жалб этиш учун ушбу масканлардаги сервис хизматлари сифати ва самарадорлиги оширилиб, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ишлари изчиллик билан давом эттирилади.

Меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш борасидаги ишлар кўлами янада кенгайтирилиб, янги сиҳатгоҳлар ҳамда болалар соғломлаштириш оромгоҳларини барпо этиш, мавжудларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича белгиланган ишлар ҳам тилга олиб ўтилди. Аҳоли томорқаларини ривожлантириш орқали улар даромадларини ошириш ишларининг халқимиз турмуш фаровонлигини янада оширишга муносиб ҳисса бўлиб қўшилаётгани, бу борада намуна бўлаётган оилаларни рағбатлантириш тизимини кенгайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Яна бир ижобий тажриба — касаба уюшмалари фаолияти намунали йўлга қўйилган туманларда олиб борилаётган ишларни жадаллаштириш юзасидан қимматли фикрлар билдирилди.

Йиғилиш иштирокчилари касаба уюшмалари тизимида олиб борилаётган такомиллашув натижасида бугунги кунда бошланғич ташкилотлар фаоллиги ортиб бораётганини алоҳида таъкидладилар. Айниқса, имтиёзли йўлланмалар асосида касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда саломатлигини мустаҳкамловчи ишчи-ходимлар сони ортиб бораётгани айни муддаодир. Мазкур сиҳатгоҳларга йўлланма олиш муддатининг 5 йилдан 2 йилга қисқартирилганлиги, меҳнаткашлар томонидан йўлланма учун тўланадиган маблағ миқдорининг камайтирилгани, аъзолик бадаллари ҳисобидан берилаётган йўлланмадан ходимнинг яқин қариндошлари — ота-онаси, турмуш ўртоғи, фарзандлари эҳтиёжи учун фойдалана олиши — ходимлар учун яратилаётган имтиёз ва қулайликлар инсон омилига бўлган эътибор намунасидир. Қайд этилган масалалар юзасидан сўзга чиққан Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси С.Ниетуллаев, Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Э.Ражабов, Сурхондарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси А.Аҳмедов, Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Ў.Турғунов, Таълим, фан ва мадания ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Р. Бедилов шу ҳусусда тўхталдилар.

Мажлисда ташкилий масала кўрилди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси ўринбосари Нормамат Аллаёров ўз аризасига кўра вазифасидан озод этилди. Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазири ўринбосари ловозимида ишлаб келаётган Баҳодир Аҳмедов Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси ўринбосари этиб сайланди.

Муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Матбуот хизмати раҳбари

Алишер Навоий таваллудининг 572 йиллигига

БУЮК ШОИРГА ЭҲТИРОМ

Шу кунларда мамлакатимизда буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий таваллудининг 572 йиллигига бағишланган маърифий тадбирлар, адабий кечалар, илмий анжуманлар, мушоиралар ўтказилмоқда. Анъанага кўра, 9 феврал куни Алишер Навоий номи билан аталувчи Ўзбекистон Миллий боғида шоир таваллудининг 572 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, турли вазирлик ва идоралар, ижодий уюшмалар мутасаддилари, маънавият тарғиботчилари, ўқитувчилар, маҳалла фаоллари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов, филология фанлари доктори, адабиётшунос олим Шуҳрат Сирожиддинов, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир Эшқобил Шукур ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида буюк аждодларимизнинг умрбоқий илмий-маърифий меросини ўрганиш борасида олиб борилаётган эзгу саъй-ҳаракатлар миллий адабиётимизни ривожлантириш, халқимиз, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтиришга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Маънавият ва маърифатни юксалтириш, баркамол авлодни вояга етказиш, она тилимиз, миллий адабиётимиз равнақида улуғ шоир, мутафаккир Алишер Навоий ижодининг аҳамияти беқиёсдир. Мамлакатимизда Навоий меросини ўрганиш, асарларини нашр этиш, мазмун-моҳиятини кенг тарғиб ва ташвиқ қилиш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан бу борадаги ишлар ҳар томонлама рағбатлантирилиб, шоир асарлари жамланган йигирма жилдлик ва ўн жилдлик тўпламлар халқимизга тақдим этилди.

Ҳозирги глобаллашув даврида Алишер Навоийнинг инсоний баркамоллик, одоб-ахлоқ, беғубор ва покиза туйғулар улуғланган асарлари ҳар қачонгидан ҳам долзарблик касб этмоқда. Шу боис улуғ шоирнинг ижод намуналари жаҳон халқларининг кўплаб тилларига таржима қилиниб, олимлар, кенг жамоатчилик томонидан катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Шоир ўз асарларида улуғлаган юрт равнақи, ободлиги, осуда ва фаровон ҳаёт, жамиятдаги барқарорлик, ўзаро тотувлик ва аҳиллик, меҳр-оқибат муҳитини асраб-авайлашдек эзгу ғоялар Президентимиз томонидан эълон қилинган Обод турмуш йили мазмунмоҳияти билан ғоят ҳамоҳангдир.

Тадбирда Алишер Навоий даҳосига бағишланган шеърлар ўқилди.

Тадбир иштирокчилари Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов иштирок этди.

* * *

Шу куни пойтахтимиздаги Шоирлар хиёбонида Алишер Навоий таваллудига бағишланган мушоира бўлиб ўтди. Унда адабиёт ихлосмандлари, шоир ва ёзувчилар, навоийшунос олимлар, ўқитувчилар қатнашди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, халқ шоири Сирожиддин Саййид, навоийшунос олим, академик Азиз Қаюмов, филология фанлари доктори, профессор Ҳамидулла Болтабоев ва бошқалар Навоийнинг ижодий мероси ёшларни ватанпарварлик, фидойилик, ҳалоллик, поклик каби фазилатлар руҳида тарбиялашдек эзгу мақсадларга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Буюк шоир таваллуд санасига бағишланган адабий тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятларда бўлиб ўтмоқда.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.
Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат

Фаолиятдаги такомиллашув меҳнаткашлар манфаати учун

«Касаба уюшмалари Федерацияси тизимида касаба уюшмасига аъзолик бадалларини тақсимлаш, касаба уюшма бюджети маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом ҳақида» Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши мажлиси қарори аъзо ташкилотлар томонидан қизғин кутиб олинди.

Заводимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифат жиҳатидан халқаро талабларга тўла жавоб беради. Корхона обрў-эътиборини кўтариш, истеъмолчиларнинг ёнилғи-мойлаш материалларига бўлган эҳтиёжини қондириш йўлида 3420 нафардан зиёд касаба уюшма аъзоси фидокорона меҳнат қилмоқда. Уларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш учун барча имконият ишга солинаяпти.

ЎЗГАРИШЛАР САЛМОҚЛИ

Кейинги йилларда фаолиятимизда туб ўзгаришлар рўй бераяпти. Айниқса, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг V Қурултойидан кейин тизимни такомиллаштириш ва оптималлаштириш борасидаги фаолият эътиборга молик. Жумладан, қуйи бўғин ташкилотлари фаоллигини кучайтириш, мавжуд муаммоларга вақтида ечим топиш, амалий ёрдам доирасини янада кенгайтириш имкони туғилмоқда.

Биргина ўтган йилда ходимларга кўрсатилган ғамхўрлик кескин кучайтирилгани фикримни тасдиқлайди. Масалан, 245 нафар ходим турли санаторийларда дам олиб, саломатлигини тиклади. 126 нафар аъзо эса касаба уюшма маблағи ҳисобидан стационарда даволаниб, фаолиятини давом эттирмоқда. 115 нафар меҳнат фахрийси ва пенсионерларга моддий ёрдам берилди. Оилавий шароити ўрганилган 193 нафар ходимнинг фарзандлари корхона тасарруфидаги «Нефтчи» оромгоҳида бепул дам олдирилди. Шунингдек, боқувчисини йўқотган оилалар, ногиронлар, кўзи ожизлар мактаб-интернати, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига ҳомийлик ёрдами кўрсатиб келинмоқда.

Бу — бевосита бошланғич касаба уюшма ташкилотларига эътибор ва ғамхўрликнинг оширилиши билан боғлиқ. Эндиликда аъзолик бадалларининг 60-70 фоизи бошланғичларда қоладиган бўлаяпти. Бу аъзолар сафини кенгайтириш, меҳнат шароитини янада яхшилаш, илғорларни рағбатлантириш, эҳтиёжмандларни қўллаб-қувватлаш ва янги иш ўринларини яратиш каби жиҳатларда қўл келиши табиий.

Ҳошим ҚОСИМОВ,
«Бухоро нефтни қайта ишлаш» УК касаба уюшма қўмитаси раиси

«Бекободцемент» очиқ акциядорлик жамияти мамлакатимиздаги энг тўнғич корхоналардан ҳисобланади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати ҳамда миқдори жиҳатидан ҳам олдинги ўринлардан бирида. Шу туфайли ишчи-хизматчиларимизнинг ўртача ойлик иш ҳақи йил сайин ортиб боряпти.

АЙНИ МУДДАО БЎЛДИ

Корхонамизда янги иш ўринлари ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Янги технология асосида бунёд этилаётган клинкер қуйдириш корхонаси якунига етса яна 200-300 нафар фуқаро ишли бўлади.

Ёшлар бизнинг келажагимиз. Ўтган йили 22 нафар коллеж битирувчисини ишга қабул қилдик ва улар айни вақтда устозларидан касб сирларини ўрганиб, малакаларини ошириб боришяпти.

Ишчи-хизматчиларимиз ишдан бўш вақтларини мазмунли ўтказишяпти. Корхонага қарашли 300 нафар кишига мўлжалланган маданият уйида тўртта тўгарак фаолият кўрсатмоқда. 22 минг нусхадан зиёд турли адабиётлар фондига эга кутубхона ҳамиша гавжум. Бундан ташқари, корхонага қарашли Соғломлаштириш маркази ва «Цементчи» стадиони меҳнаткашлар хизматида. Тасарруфимизда болалар соғломлаштириш оромгоҳи бўлиб, йилига 450 нафардан зиёд фарзандларимиз дам олдирилмоқда.

Жорий йилнинг 15 февралидан бошлаб йиғилган аъзолик бадалларининг 60 фоизигача, балансида йирик ижтимоий объектлари бўлган корхона ва ташкилотларнинг бошланғич касаба уюшма қўмиталарида эса 70 фоизгача қолдирилиши фаолиятимизни янада кенгайтиришга имкон беради, албатта.

Чунки бошланғич ташкилотлар моддий жиҳатдан қанчалик кучли бўлса, ўтказилаётган тадбирлар самарадорлиги ҳам шунчалик юқори бўлади. Шу билан бирга, меҳнаткашларни қўшимча равишда соғломлаштириш имконияти туғилади.

Бу катта имконият ва у айни вақтда зиммамизга катта масъулият ҳам юклайди.

Азамат ХУДОЁРОВ,
«Бекободцемент» очиқ акциядорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси

Янгиликлар оқимидан

САМАРҚАНД

«Микрокредитбанк»нинг Самарқанд вилоят филиали ўтган йили касб-ҳунар коллежларини тугатаётган ёшлардан 145 нафарига ўз бизнесини бошлаши учун 407 миллион 300 минг сўмлик кредит ажратган эди.

ИМКОНИЯТ

Уларнинг аксарияти ўз бизнесини йўлга қўйиб олди. Хусусан, Ургут туманидаги 6 нафар ёш тадбиркор ҳунармандчилик фаолияти билан шуғулланмоқда. 1 млн. 800 минг сўм кредит олган Достон Неъматов эса сандиқ ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

ЖИЗЗАХ

Истиқлол нафаси билан улғайган жиззахлик ёшлар ҳам бугун Ватан сарҳадларини ҳимоялаш йўлида муддатли ҳарбий хизматга отланишаяпти.

МУҚАДДАС БУРЧ

Жиззах вилоят мудофаа ишлари бошқармаси томонидан ташкил этилган ҳарбийга чақирилувчиларни кузатиш маросимида кенг жамоатчилик вакиллари, «Камолот» ЁИҲ фаоллари, ота-оналар иштирок этишди.

— Ватан хизматига отланаётганимдан фахрланаман, — дейди чақирилувчи Наврўз Узоқбоев. — Бунга ҳам жисмонан, ҳам маънан тайёргарлик кўрдим. Тест синовларидан муваффақиятли ўтдим.

Ҳаяжонли лаҳзаларда ёш аскарларга эсдалик совғалари топширилди.

Абдуманнон АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

СУРХОНДАРЁ

Деновлик тадбиркор Зулхумор Бўриева «Ҳофиз Назаров» фермер хўжалигини юритиш билан бир қаторда тикув цехи ҳам ташкил этиб, 16 нафар хотин-қизни иш билан таъминлади.

ИШ ЎРНИ ЯРАТИЛДИ

Улар тикаётган либослар сифати ва арзонлиги билан харидорга маъқул бўлаётир.

Бундан ташқари, Ш. Қобилов номли СИУ ҳудудида янги газ қуйиш шохобчаси бунёд этилиб, ҳайдовчилар учун катта қулайлик яратилди. Натижада 8 нафар киши ишли бўлди.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» мухбири

СИРДАРЁ

Бозорбой Қосимов узоқ йиллар Шаҳрисабз шаҳридаги кўчма ҳайвонот боғида ишлади. Мамлакатимизнинг деярли барча қишлоқ ва шаҳарларида бўлиб, томошалар уюштирди. Ўша вақтда келажакда, албатта, хусусий ҳайвонот боғи ташкил этишни кўнглига тугиб қўйган эди.

ХУСУСИЙ ҲАЙВОНОТ БОҒИ

Ниҳоят, нияти ушалди. «Микрокредитбанк»нинг вилоят филиалидан 12 млн. 300 минг сўм кредит олиб, «Оқ олтин оққушлар» корхонаси қошида Сирдарё хусусий ҳайвонот боғини ташкил этди. Тадбиркор олдинига 5 та вагон сотиб олди. Сўнгра Сурхондарё, Қашқадарё, Наманган вилоятларидан айиқ, йўлбарс, шер, чиябўри, кобра илони, бургут, лочин, архар, каклик ва жайралар олиб келди. Хуллас, қисқа муддатда ажойиб кўчма ҳайвонот боғи пайдо бўлиб, унинг довруғи бутун воҳага ёйилди. Ҳайвонот боғини ташкил этиш ва томошаларни уюштиришда Бозорбойга ўғли Авазбек, қизи Самидахон, куёви Шуҳратбек ва келини Гулмирахонлар яқиндан ёрдам беряпти. Яқинда ҳайвонот боғи қошида дорбоз ўйинлари ташкил этилди.

— Обод турмуш йилидаги режаларимиз жуда катта, — дейди Бозорбой Қосимов. — Вилоят бўйлаб томоша дастурлари ташкил этмоқчимиз. Шунингдек, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё вилоятларига ҳам сафар уюштириш ниятидамиз.

Анорбой НОРҚУЛОВ

Ishonch
2013-yil 12-fevral № 18 (3211)



ҚУЛАЙЛИК

Тошкент шаҳар «Сувсоз» ДУК қошидаги сув ўлчагич хизмати шўъба корхонаси бундан тўққиз йил муқаддам ўз фаолиятини бошлаган. Ҳозирда бу ерда 53 нафар ходим меҳнат қилади.

— Пойтахтимиз аҳолиси қаторида Зангиота, Қибрай каби Тошкент вилоятининг шаҳарга яқин туманларидаги корхона, ташкилот ва хонадонлар учун ҳам хизмат кўрсатаяпмиз, — дейди корхона раҳбари Дониёр Абдураҳимов. — Метрология хизматларини кўрсатиш маркази билан ҳамкорликда иш олиб борамиз. Ўзбекистон Республикасининг «Метрология тўғрисида»ги Қонунининг 14-моддасига мувофиқ хонадонлардаги сув ўлчагичлар тўрт йилда, корхона, ташкилотларда эса икки йилда бир марта назоратдан ўтказилади. Мижозларимизнинг талаб ва эҳтиёжига асосан сув ўлчагичларни ўзимиз ҳам ўрнатиб бераяпмиз.

Ўтган йилда касб-ҳунар коллежларини битирган 6 нафар йигит-қиз иш ўрнига эга бўлди. Жорий йилда ҳар бир туманда минилаборатория ташкил этиш режалаштирилган. Бу — янги иш ўринлари очилиши билан бир қаторда ўша ерда истиқомат қилувчи аҳолига янада қулайлик яратилади, деганидир.

Суратларда: метролог Отабек Абдуллаев; корхона раҳбари Дониёр Абдураҳимов ва метролог Абдуваҳоб Қодиров иш жараёнида.

С. АБДУРАҲМОНОВ.
И. ҲАСАНОВ
олган суратлар

Аёл, оила ва жамият

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, меҳнат фаолиятини оилавий мажбуриятлар билан биргаликда олиб боришга шароит яратиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш учун мустаҳкам ҳуқуқий негиз яратилган.

Фуқаролик, Оила ва Меҳнат кодекслари ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари аёлларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади. Ўзбекистон Республикаси «Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида»ги халқаро конвенцияга, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг «Бир хил қийматга эга бўлган меҳнат учун эркак ва хотин-қизларни тенг рағбатлантириш тўғрисида»ги, «Меҳнат ва машғулотлар соҳасидаги камситишлар тўғрисида»ги асос солувчи конвенцияларига қўшилар экан, ўз зиммасига аёлларга нисбатан камситиш сиёсатини юритмаслик мажбуриятини олган. Шу мақсадда аёллар ҳуқуқлари юридик ҳимояси юзасидан тегишли қонун ҳужжатлари қабул қилинган.

МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ ҲИМОЯСИ

Қонунда белгиланганидек, касаба уюшмалари корхона маъмурияти ва мулкдор билан жамоа музокараларини олиб бориш ҳамда жамоа шартномаларини тузишга, уларнинг бажарилишини назорат қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, бу тўғридан-тўғри мулоқот орқали амалга оширилади. Касаба уюшмаларининг иш берувчилар билан ўзаро муносабати Меҳнат кодексининг 22-моддасида қайд этилган.

Иш берувчилар меҳнат қонунчилигининг ижрочилари ҳисобланса, касаба уюшмалари меҳнат муносабатларини амалга оширишда ишловчиларга нисбатан иш берувчининг ноқонуний ҳаракатларидан ўз аъзоларини ҳимоя қилувчи ташкилот сифатида намоён бўлади. Бошқача айтганда, Меҳнат Кодексининг 40 дан зиёд моддалари бевосита касаба уюшмалари фаолияти билан боғлиқ. Меҳнат қонунчилиги Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган хорижий юридик ёки жисмоний шахсларга тўлиқ ёки қисман мансуб бўлган корхоналарда ҳам қўлланилади.

Меҳнат кодексининг тўққизинчи бобида айрим тоифадаги ходимларга, аёлларга ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга бериладиган қўшимча кафолатлар алоҳида қайд этилган.

232-моддага мувофиқ 2 ва ундан ортиқ 12 ёшгача ва 16 ёшгача ногирон боласи бор аёлларга ҳар йили ҳақ тўланадиган 3 иш кунидан кам бўлмаган қўшимча таътил, 14 календар кунидан иборат иш ҳақи сақланмайдиган таътил берилиши зарур.

Амалдаги қонунчилик ва бошқа норматив ҳужжатларда аёллар учун мувофиқ равишда белгиланган имтиёзлардан ташқари тармоқ битимлари ва жамоа шартномаларида хотин-қизлар ҳамда ёшларни ижтимоий ҳимоялаш учун қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинмоқда. Жумладан, бундай имтиёзларни Тошкент вилоят касаба уюшмалари ташкилотларида ҳам кўриш мумкин. Масалан, Таълим, фан ва маданият, Соғлиқни сақлаш, Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмалари тизимидаги ташкилотлар жамоа шартномаларига:

- Ҳомиладор ва фарзанд кўрганлиги туфайли аёлларга ҳақ тўланадиган таътиллар муддатини узайтириш;
- 2 ёшдан 3 ёшгача болалари бўлган аёллар иш вақтини қисқартириш, ҳақ тўланадиган таътиллар муддатини узайтириш;
- меҳнат шартномаси бекор қилинганда болалари бор ва ҳомиладор аёллар учун қўшимча кафолатлар;
- 12 ёшгача бўлган икки ва ундан ортиқ болалари ёки 16 ёшгача бўлган ногирон боласи бор аёлларга ҳар йили 3 иш куни миқдорида қўшимча таътил берилиши;
- кўп болали аёлларга (4 ва ундан кўп) тариф ставкаси сақланган ҳолда бир соатга қисқартирилган иш ҳафтасини белгилаш каби бандлар киритишга эришилгани диққатга сазовордир.

Ўтган даврда бирлашма кенгашининг Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси томонидан вилоятимизда аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳамда ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, меҳнат шароитини яхшилаш, иш берувчиларнинг уларга адолатли муносабатда бўлишини таъминлашга эътибор кучайтирилди. Уларнинг жамият ва меҳнат жамоасидаги ўрнини мустаҳкамлаш, хавфсиз меҳнат шароитида, нисбатан кўпроқ иш ҳақи тўланадиган, масъулиятли ишларда фаолият кўрсатиши учун яратилаётган имкониятларни янада кенгайтиришга қаратилган муҳим ишлар амалга оширилди.

Чиноз, Оққўрғон ва Пискент туманларидаги хотин-қизлар билан ишлашнинг аҳволи ўрганилди ва раёсат йиғилишларида муҳокама этилди. Бунинг самараси ўлароқ, вилоят хотин-қизлар қўмитаси билан мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича қўшма қарор қабул қилинди.

Оилалар, айниқса, ёш оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш шароитини яхшилаш мақсадида ҳудудларда истиқомат қилувчи 4594 нафар аёл уй меҳнатининг барча шакллари — шундан 2677 нафари корхоналар билан кооперацияга киришиш орқали меҳнат шартномалари, 504 нафари пудрат шартномалари асосида, 1412 нафари оилавий тадбиркорлик ҳамда ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш ҳисобига касаначи сифатида иш билан таъминланди.

Яна бир эътиборга сазовор иш — ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ҳудудлардаги вақтинча иш билан банд бўлмаган аёллар рўйхати тайёрланди. Янги яратилаётган иш ўринларини биринчи навбатда рўйхатда турган аёллар ҳисобига тўлдириш чоралари кўрилди.

Шу ўринда яна бир масалага алоҳида тўхталмоқчиман. Вилоят ҳокимлиги ҳамда касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши қошида ҳуқуқий масалалар бўйича бепул консултатив марказ ишлаб турибди. Уларда мутахассислар томонидан меҳнат ҳуқуқи, амалдаги қонунчилик, меъёрий ҳужжатлар ва барча ҳуқуқий масалалар бўйича вилоят ҳокимлигининг (236-14-52) ҳамда бирлашма кенгашининг «Ишонч телефонлари» (256-52-69) орқали хизмат кўрсатилмоқда.

Хотин-қизлар комиссияси томонидан меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоясини ўз фаолият мезони деб билган ҳолда ходимларнинг ҳуқуқий онгини ошириш, жойларда меҳнат қонунчилигига риоя этилиши имкон қадар таъминланяпти.

Тошкент вилояти ўсмирлар маркази шифокори Насиба Юсупова суд орқали ўз лавозимига тикланиб, уч ойлик бекор юрган давридаги маоши, маънавий зарари ҳамда компенсация пуллари ундириб берилди. Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят кенгашига Зангиота туманидаги 13-мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчиси А.Юсуповага вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси иш берувчи томонидан тўланмаётганлиги тўғрисида ариза келиб тушган. Ариза ўрганилиб, касаллик нафақаси ундириб берилди.

Бекобод туманидаги 12-умумтаълим мактаби директори Эътибор Қўчқаровани ишга тиклаш бўйича Тошкент вилоят халқ таълими бошқармасига тақдимнома киритилди. Чунки Э.Қўчқаровани меҳнат шартномаси вилоят халқ таълими бошқармасининг 2012 йил 9 июндаги 110-К-сонли буйруғи билан Меҳнат кодексининг 99-моддасига асосан бекор қилинган. Буйруққа асос қилиб унинг шахсий аризаси кўрсатилган. Бироқ ўрганиш давомида Э.Қўчқарова меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида ариза бермаганлиги маълум бўлиб, унинг меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги буйруқ Меҳнат кодексининг 99-моддаси талабларига зид равишда чиқарилганлиги аниқланди. Меҳнат кодексининг 111- ва 112-моддалари талабларига асосан у аввалги ишига тикланди ҳамда мажбурий бекор юрган вақти учун ҳақ тўланишига эришилди.

Вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти собиқ катта ўқитувчиси М.Мамадалиеванинг меҳнат ҳуқуқи ҳимоя қилиниб, Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судида бирлашма кенгаши вакили иштирок этди. Натижада унинг ишга тикланиши, моддий ва маънавий зарарни ундириш ҳақида фуқаролик судининг ажрими чиқарилди.

Юқоридаги каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида бирлашма кенгашининг мутахассислари ҳамда Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси аъзолари томонидан туман, шаҳар коллежларида ҳамда тармоқ касаба уюшмаси ташкилотларида ҳуқуқий мавзуларда давра суҳбати, ўқув-семинарлар ташкил этилмоқда.

Обод турмуш йилида бу борадаги ишлар кўлами ортиб, хотин-қизларнинг меҳнат соҳасидаги манфаатларини ҳимоялашда касаба уюшмаларининг Хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари фаолияти янада кенгаяди.

Наргиза АСАДОВА,
Тошкент вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши юристи

Намунали туман кенгашида

ЕТАКЧИЛАР ЕНГ ШИМАРИШДИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг касаба уюшмалари фаолиятининг 2012 йил якунлари ва 2013 йилдаги устувор йўналишлари таҳлилига бағишланган мажлисда жорий йилнинг тизимда «Бошланғич ташкилотлар йили» дея эълон қилиниши ғоят қувонарли воқеа бўлди.

Фуқаролар манфаатига доир кўлами кенг ишлар асосан бошланғич ташкилотларда амалга оширилишини ҳисобга оладиган бўлсак, етакчилар зиммасидаги масъулият қанчалар залворли экани ўз-ўзидан аён бўлади. Буни намунали саналган Хатирчи тумани мисолида яққол кўриш мумкин. Тизимдаги кадрлар ва фаоллар салоҳиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар амалиёти учун барча бирдек енг шимариб ишга киришган.

Жумладан, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмасининг Хатирчи туманидаги аксарият бошланғич ташкилотларида ҳаёт қайнайди. Туман ҳокимлиги, молия бўлими, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш маркази сингари қатор ташкилотлар қошида касаба уюшмалари учун алоҳида хона ёки ҳамкорлик манзиллари ажратилган бўлиб, тизим фаолияти акс этган кўргазма ва стендлар фаолиятда жуда қўл келяпти. Етакчилар ҳар жиҳатдан ўз вазифасига лаёқатли, ташкилотчи, фидойи кишилар. Асосийси улар бугунги кун талаби, устувор вазифаларни яхши тушунишади. Тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Хатирчи туман кенгаши раиси Ҳусан Қўчқоров бу ҳақда шундай дейди:

— Ҳудуддаги касаба уюшмаларига бўлган эътибор тубдан яхшиланиб бораяпти. Иш берувчилар ҳам ходимлар манфаати ҳимояси учун доим шай. 16 та ташкилотга бириккан 1012 нафар аъзо манфаатлари доимий эътиборда. Кам таъминланган оилалар, якка-ёлғиз, боқувчисини йўқотган кишиларга ҳамиша ёрдам бериб келинади. Ўтган йилда 36 нафар киши сиҳатгоҳларда ўз соғликларини тиклаб қайтишди. Оромгоҳларда тизим ходимларининг 24 нафар фарзанди мароқли дам олишди. 12 нафар касаба уюшма ҳамда тизим фаолларига Тошкент шаҳри, 25 кишига эса Бухоро бўйлаб саёҳатлар уюштириш имкони яратиб берилди. Эрта баҳорда яна Хива ва Бухоро шаҳарлари бўйлаб шундай саёҳатлар ташкил этилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотларни касаба уюшмасига жалб этиш борасида жиддий иш олиб боряпмиз. Ҳаракатларимиз самараси ўлароқ бир ой ичида «Хатирчи Сарбонтранс» МЧЖ дан 25 киши, Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамияти Хатирчи туман бўлимидан 6 нафар ходим касаба уюшмасига аъзо қилинди. Шу кунларда «Оқтоғ чашмаси саховати» МЧЖ дан 12 нафар, «Сардор-98» хусусий тижорат ишлаб чиқариш фирмасидан 5 нафар фуқарони таркибга жалб қилиш бўйича музокаралар олиб борилаётир.

М.АЛОВУДДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

Электрон тизим

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

давр талаблари асосида ишлаш имконини беради

Бугунги кунимизни ахборот технологияларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боисдан бирлашма кенгаши моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, иш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида бўлимларимиз замонавий компютерлар билан таъминланди, «buxprof.uz» сайти зарур маълумотлар билан бойитилиб, тизим фаолияти тўғрисидаги янгиликларни мунтазам киритиб бориш йўлга қўйилди.

Бирлашма ва тармоқ касаба уюшма ташкилотлари ўртасида ишлай бошлаган электрон ахборот алмашинуви ишимизни янада осонлаштирди. Барча компютерлар интернетга уланган.

Тармоқ касаба уюшмаларига юбориладиган қарор ва топшириқлар, улардан олинадиган маълумот ҳамда ахборотларнинг 80 фоиздан ортиғи электрон ахборот алмашинуви орқали амалга оширилаётгани ҳар томонлама қулайлик туғдирмоқда.

Касаба уюшма ташкилотларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, кадрларнинг компютер саводхонлигини ошириш мақсадида Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари ҳудудий бошқармаси, Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техника институти ҳамкорлигида қўшма қарор қабул қилинди. Ҳамкорлик дастурига кўра вилоят касаба уюшмалари ходимлари 60 соатлик ўқув машғулотларида қатнашди. Ўқув якунлари бўйича тест синовлари ўтказилиб, 31 нафар ходимга институтнинг сертификатлари топширилди.

Бирлашма кенгашида ижро интизомини мустаҳкамлаш мақсадида автоматлаштирилган девонхона ва ички назорат дастури ўрнатилди. Бундай қулайлик туфайли фаолиятимизда ижобий ўзгаришлар салмоғи ортиб бормоқда. Жумладан, дастурда қанча ҳужжат назоратда турганлиги, қанчаси ўрганилганлиги, ҳар бир бўлим ва тармоқ касаба уюшмасига тегишли ҳужжатлар сони, бажарилиш ҳолати тўғрисида ҳисоботлар алоҳида ҳамда умумий тарзда автоматик чоп этилиши мумкин. Дастурнинг ҳимоя қисми ҳам мукаммал бўлиб, у фақат махсус ўрнатилган компютерлардагина ишлайди. Шунингдек, кадрлар билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган «КАДР-4» автоматлаштирилган дастури ҳам ўрнатилган бўлиб дастурга касаба уюшмалари тизимидаги раҳбарлар, масъул ходимлар, раҳбар лавозимларига тайёрланган захира кадрлар тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ киритилмоқда. Тегишли ташкилотларимизда ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш ишлари изчил давом эттирилаяпти. Жумладан, бирлашма кенгаши раҳбарига электрон имзо олиш учун буюртма ҳам берилди.

Бирлашмада ходимларнинг ишга келиб-кетишини назорат қилишни автоматлаштириш борасида махсус дастурлар яратилиб, ишга туширилган. У ҳар бир ходимнинг кун давомида ишлаган вақтини тўлиқ назорат қилади, маълумотлар омборига ёзиб қўяди. Ходимларнинг умумий ва алоҳида тарзда ҳисоботларини тайёрлаб беради. Молия бўлимида иш ҳақини ҳисоблаш, товар-моддий бойликларнинг ҳисоботини юритиш ва бошқа молиявий ҳисоботларни тайёрлаш бўйича махсус электрон дастурларни яқин кунларда тўлиқ ишга туширишчоралари ҳам кўрилмоқда.

Айтиш жоизки, бирлашма кенгаши, тармоқ касаба уюшмалари ҳамда бошланғич ташкилотлар ўртасида ўзаро ахборот алмашинувини яхшилаш мақсадида ҳужжатларнинг электрон нусхасини бирваракайига барча манзилларга юбориш ва ҳар бир манзилдан юборилган электрон ҳужжатларни махсус бўлинмаларда қабул қилиш ишларини ташкил этиш жараёнларини ҳам автоматлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Бу эса вилоятдаги барча бўғин касаба уюшма ташкилотлари билан давр талаби асосида ишлаш имконини беради.

Ғулом САФАРОВ,
Бухоро вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раиси

Орамиздаги одамлар

ОБОД ХОНАДОН СОҲИБИ

ёхуд ободлик тарғиботчиси

«Меҳнат билан топганинг — қанду новвот тотганинг», дейди доно халқимиз. Дарҳақиқат, заҳматдан қочмаганлар доимо ҳурмат-эҳтиромда. Гулистон шаҳрининг Баҳор ҚФЙга қарашли «Баҳор-2» маҳалласида истиқомат қилувчи Шералиевлар оиласи ҳам ана шундай қадр топганлар сирасига киради.

Хонадон соҳиби Валижон ака Фарғона вилоятидан ота-онаси билан шу ерга кўчиб келганида бир ёшли гўдак эди. У «Ўзгазлойиҳалаш» институтининг вилоят филиалида 35 йил ҳисобчи лавозимида фаолият кўрсатди. Отахоннинг турмуш ўртоғи Мақсуда ая билан олти нафар фарзандни эл корига ярайдиган йигит-қиз қилиб вояга етказди. Фарзандларидан Улуғбек вилоят электр тармоқлари корхонасида бўлим бошлиғи, Гулнора ўқитувчи, Нигора чевар, Ойбек билан Отабек тадбиркор. Бу хонадон вакилларининг суҳбатидан баҳраманд бўлар экансиз, беаёдад шукроналикни сезасиз. Валижон ака нафақада бўлса-да, маҳалла манфаати учун елиб-югуради. Маҳалла оқсоқоли ҳудудда яшовчи ишбилармон тадбиркорларни жалб қилган ҳолда ғузар қурди. Кўчаларни тунда ёритиш ишлари ҳам ҳадемай ниҳоясига етади.

Баҳодир РАҲМОН.

Суратда: Валижон ака Шералиев турмуш ўртоғи Мақсуда ая ва набиралари Мадина ва Ҳуснора билан.

Б. ЭШПЎЛАТОВ олган сурат

ПРИГЛАШЕНИЕ ДЛЯ УЧАСТИЯ В КОНКУРСНЫХ ТОРГАХ: HIRD 2013 - 04

ПРИГЛАШЕНИЕ № 2013 – 04
ДЛЯ УЧАСТИЯ В КОНКУРСНЫХ ТОРГАХ Инвестиционной программы строительства жилья для комплексного развития села.
Выпущено: 12 Февраля 2013 г.
Срок подачи тендерных предложений: до 12:00 полудня, 5 Марта 2013

